# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Босния ва Герцеговина ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни йўллайман.

Сизнинг халқингиз ва мамлакатингизга осойишталикка йўғрилган тараққиёт тилайман.

Президент жаноблари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Алия Изетбегович,**
**Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан Сизга энг самимий табрикларимни изҳор этиш шарафига муяссарман.

БМТ Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси Ўзбекистон ҳукуматининг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги қатъий изчиллигини ва узлуксиз саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Минтақада наркотик моддалар ва жиноятчилик муаммоларини ҳал этишда бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни ва қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишни сабрсизлик билан кутаман.

Ўзбекистонга ва унинг халқига келгусида гуллаб-яшнаш, тинчлик ва омад тилашга рухсат этгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Пино Арлакки,**
**БМТ Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директори**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига , Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва қардош халқига қизғин қутловларимиз ва энг эзгу истакларимизни йўллашни истардим.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Ҳукуматига Ислом конференцияси ташкилотининг ўз вазифаларини бажаришда кўрсатаётган мададингиз учун самимий ташаккуримни изҳор этаман.

Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикасининг қардош халқи бундан буён ҳам тараққий этиб, равнақ топишини Қодир Оллоҳдан илтижо қиламан, шахсан Сизга эса бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Доктор Азеддин Лараки,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг саодатли Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган истакларимга ва ғоят самимий қутловларимга Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати қўшиладилар.

Ўзаро манфаатларни кўзлаб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва яхши муносабатларни бундан буён ҳам давом эттириш умидини изҳор қиламиз.

**Ҳасан бин ТАЛАЛ,**
**Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг Валиаҳд шаҳзодаси**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг байрам қилиниши Камбожа Қироллиги оиласи, Камбожа Қироллиги ҳукумати, Камбожа халқи ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят самимий қутловлар ҳамда миллий ривожланишнинг барча соҳаларида Ўзбекистон Республикасининг бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувини, шунингдек, Ўзбекистоннинг фидокор халқига омонлик ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллашим учун имконият беради.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳозирги пайтда мавжуд бўлган яқин муносабатлар келгусида мустаҳкамланишига ишончим комил.

Президент Жаноблари, ғоят юксак эҳтиромимни, шунингдек, Сизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр ва бахт-саодат тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

**Нородом СИАНУК,**
**Камбожа Қироли**



# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Хўш, биргина Ўзбекистон учун бу қандай наф келтирди, деган савол туғилиши табиий. Мазкур шартнома кучга кирганидан сўнг пахта ташишга кетадиган харажатнинг 12 миллион доллари ёнимизда қоладиган бўлди. Ахир ТРАСЕКА шимолий йўналишга нисбатан нақд 2 минг километр қисқадир. Қолаверса, минтақа иқлими ундан йил-ўн икки ой тўхтовсиз фойдаланиш имконини беради. Гап фойда ва зарар ҳақида кетганда, яна бир ўринли муқоясани айтишга тўғри келади: биз пахтамизни Қозоғистон ва Россия орқали Украина портларига етказиш учун тоннасига 100 доллардан зиёд маблағ сарфласак, шу юк ТРАСЕКА орқали ташилганда эса ушбу кўрсаткич 55 долларни ташкил этади.

ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга ошиши Ўзбекистонни Европа ва Осиё транспорт тармоқларига туташтирибгина қолмасдан, унинг экспорт имкониятларини оширади, лойиҳада иштирок этувчи мамлакатлар билан савдо алоқаларини янада кенгайтиради. 1996 йил Транскавказ йўлаги бўйича Ўзбекистонга келтирилган ва олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажми салкам 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 285 минг тоннага етди. Жорий йилнинг саккиз ойи ичида эса ташилган юк ҳажми 240 минг тоннадан зиёд бўлди.

Ўзбекистон бугун ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиш билан чекланиб қолмай, транспорт коммуникацияси имкониятларини кенгайтириш борасида бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошираётир. Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой билан Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом йўлини қуриш ва таъмирлаш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилаётир. Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш бу йўналиш Европа мамлакатларини Тинч океани ҳамда жануби-шарқий Осиё давлатлари билан боғлайди.

ТРАСЕКА вақт синовидан муваффақиятли ўтаяпти. Унинг XXI асрдаги муҳим савдо йўли бўлажаги тўғрисидаги башоратлар ҳақиқатга жуда яқиндир. Энди уни янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал этиш, божхона тарифларини янада соддалаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, дастурни тўла амалга ошириш учун молиявий манбаларни қидириб топиш зарур. Боку конференциясида айни шу масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Конференцияда иштирок этган давлатлар раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ТРАСЕКА йўлагини ривожлантириш, транспорт инфратузилмаларини янада такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ТРАСЕКА доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифлари конференция иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

Ислом Каримов ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, умуман, қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш зарурати айрим кишиларнинг хоҳишидан эмас, балки вақт, шароит, дунёвий тараққиёт талаблари натижасида пайдо бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Қадим замонлардаёқ ҳаётнинг ўзи одамларни ўзаро ҳамкорлик учун қисқа ва қулай йўлларни қидиришга мажбур қилган, деди жумладан Ислом Каримов. Бунга фақатгина савдо-сотиқ эҳтиёжи эмас, балки мустаҳкам иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни ўрнатиш зарурияти ҳам сабаб бўлган.

Бугунги замон урфига "содиқ" айрим кучлар ТРАСЕКА доирасидаги ҳамкорликка сиёсий тус беришга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Уларнинг мақсадлари аниқ: ўзларича гўёки дунёнинг янгидан бўлиниши ва ҳоказо шунга ўхшаш "ўйин"ларни ўйлаб топиб, мамлакатлар, халқлар ўртасига нифоқ солиш, тараққиётга тўсиқ бўлиш. Мамлакатимиз раҳбари масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратиб, бундай ҳаракатларга мутлақо барҳам бериш кераклигини айтди. Шунингдек, Ислом Каримов Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, мазкур йўналишда жойлашган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш, қолаверса, миллатлараро ҳамда давлатлараро муаммоларни ечишда катта самара беражагини таъкидлади.

Ҳозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакати ТРАСЕКА йўлаги орқали ўз юкларини манзилларига етказаётир. Мазкур лойиҳага қўшилишни истовчи мамлакатлар сони ҳам тобора ошиб бораяпти. ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда Европадаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатаяпти. Хўш, буларнинг ҳаммаси нимадан далолат беради? Мазкур йўлакдан Шарқ ҳам, Ғарб ҳам бирдай манфаат топади. Марказий Осиё ва Кавказ учун жаҳон бозорига кенг йўл очилади. Европа мамлакатлари учун эса ўз маҳсулотларини Кавказ ва Марказий Осиё бозорларига киритиш, мазкур минтақаларда ўзларининг молиявий иштирокини кучайтириш имконияти туғилади. Мамлакатларнинг экспорт-импорт имкониятлари кенгаяди, маҳсулот кўпаяди, бозорларда рақобат кучаяди, маҳсулот сифати яхшиланади, ишсизлик камаяди. Иқтисодий унсурлардан ташқари, Буюк Ипак йўлининг тикланиши мамлакатларнинг сиёсий-маданий ҳаётига ҳам катта таъсир ўтказиши турган гап. Ахир қадимда шундай йўллар бўлмаганида хитойликлар ўз совға-саломларини Турону Месопотамияга қандай юборарди, Буддани қачон танирди.

Боку конференциясида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро комиссияни ташкил этиш, унинг доимий котибиятини таъсис қилиш ва бош қароргоҳини Бокуда жойлаштириш бўйича ўртага ташланган таклиф иштирокчилар томонидан маъқулланди. ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда уни маблағ билан таъминлаш масаласи ҳам иштирокчилар томонидан атрофлича кўриб чиқилди ва ТРАСЕКА банкини ташкил этиш таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Анжуман ниҳоясида Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш ва бошқариш, транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Шунингдек, анжуманда Боку Декларацияси ҳамда Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро конференция бўйича якуний Коммюнике қабул қилинди. Асосий битимга халқаро транспорт, темир йўл транспорти, савдо кемалари қатнови ва божхона ишлари бўйича қилинган техник иловалар ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Боку конференцияси нималарни ваъда қилади, деган саволга айни шу имзоланган ҳужжатлардан келиб чиқиб жавоб бериш мумкин. ТРАСЕКА лойиҳасига аъзо давлатлар ҳудудларида ўзаро йўловчи ва товарларнинг барча турдаги транспорт воситаларида эркин айланиши, юкларнинг хавфсизлиги ва сақланиши, транспорт соҳасида божхона ишлари ҳамда ҳуқуқий меъёрларни ўзаро уйғунлаштиришни кўзда тутувчи мазкур ҳужжатлар трансмиллий йўлакни барпо этиш йўлидаги ҳаракатларга янги куч бермоғи лозим.

Боку конференцияси ТРАСЕКА дастури доирасида ўтказилган биринчи йирик халқаро анжумандир. Буни таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш тобора глобал аҳамият касб этмоқда. Неча асрлар мамлакатларнинг тараққиётига хизмат қилган Буюк Ипак йўли бугун яна қайтадан туғилмоқда. Бу йўл мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, маданият, иқтисодий равнақ, бир сўз билан айтганда, тараққиёт йўлидир. ТРАСЕКА ривожи учун зарур чора-тадбирлар, унинг истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар мазкур лойиҳани амалга ошириш йўлидаги ҳаракатларни янада жипслаштириш ва ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилажаги табиий. Бунинг учун эса мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ягона мақсад сари интилиш, иштиёқ, айниқса, давлат раҳбарларининг хоҳиш-иродаси керак.

**Фарҳод АРЗИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: конференция иштирокчилари.**
**Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**
**Тошкент-Боку-Тошкент.**

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федерал Конституциявий суди аъзоси доктор Ю. Кюлинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси Б. Эшонов билан учрашди. Ҳуқуқий-демократик давлат ҳамда фуқаролар жамияти қуришда конституциявий судларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи суҳбатнинг бош мавзуси бўлди. Меҳмонлар мамлакатимизда Конституциявий суд фаолиятининг ташкил этилиши ва унинг тажрибалари билан таништирилди.

Шу куни Германия ва Ўзбекистон Конституциявий судларининг ҳамкорликдаги «Конституциявий назорат: қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти» мавзуида семинари бўлиб ўтди. Германия Федерал Конституциявий суди ҳамда Ўзбекистон Конституциявий суди ваколатлари ҳақидаги маърузалар ўзаро тажриба алмашиш борасида қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Германияда конституциявий шикоятларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди амалиётида фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш бўйича орттирилган тажрибалар ҳақидаги маърузалар ҳам икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги қирралари пайдо бўлаётганидан далолат беради.

Тадбирларда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р.Биндзайл иштирок этди.

**(ЎзА)**



Қорақалпоғистоннинг узоқ туманларини Нукус билан боғловчи йўллардан «Қорақалпоқагроқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли 10-автожамланма ҳайдовчилари ҳар куни бир неча бор қатнайдилар. Республикада қад ростлаётган қурилишларга зарур асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари етказиб беришга ихтисослаштирилган ушбу автожамланма ишчилари хизматидан барча мамнун.

**СУРАТЛАРДА: юк машиналари манзилга шай; катта назоратчи Сайилхон Беринов илғор ҳайдовчи Кошкинбой Жумамуротов билан.**

**А. МУРОТОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**



**Шу сонга хушхабар**

## «ИПАК ЙЎЛИ» ХОРИЖГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигининг Наманганда рўёбини кўрган «Ипак йўли» («Силк Роад») қўшма корхонасининг биринчи маҳсулоти 5 сентябрда хорижга йўл олди. Шу вақтгача ипак чиқиндиси ҳисобланиб, назарга илинмай келинган узуқ-юлуқ ипак кукунларини қайта ишлаб, толага айлантирадиган ушбу корхона дастлабки маҳсулотини Японияга жўнатди.

– Бундай технология шу кунгача Италия ҳамда Японияда бор эди холос, – дейди Наманган «Атлас» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Каримов, – эндиликда дунёда учинчи бизнинг мамлакатимизда жорий этилди. Бу – Мустақиллик шарофати.

Корхонанинг биринчи маҳсулотини чет элга чиқариш маросимида қатнашган Япониянинг «Марубени» фирмаси вакиллари Тэрао К. ва Якояма жаноблари ўз ҳамкорликларидан мамнун бўлиб, бу зукко, тийрак, меҳнатсевар ўзбек халқи билан ҳар қанча қўшма корхона ташкил этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

– Корхонада 350 киши меҳнат қилади, – деб қўшиб қўйди бош муҳандис Абдулҳамид Раҳимов, – шуниси таҳсинга лойиқки, мураккаб иш жараёнларини ўзбек аёллари ҳам, эркаклари ҳам тез эгаллаб олишди. Ҳар йили 156 тонна олий нав, жаҳон талабларига мос ипак толаси ишлаб чиқарилади. Ниятимиз келажакда шу ипакдан харидоргир тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

**Р.РАСУЛОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига

# ШАРҲ

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тайёрланган санаси, яроқлилик ва сақлаш муддати аниқ белгиланмаган, истеъмол учун яроқсиз бўлган, мувофиқлик ва сифат сертификатларига мос келмайдиган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа савдо-сотиқ талабларига жавоб бермайдиган озиқ-овқат товарлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида республика газеталари ва маҳаллий матбуотда 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана ва майда улгуржи савдо қилиш тартиби устидан назоратни кучайтириш мақсадида қўшимча талаблар жорий этилди.

Белгилаб қўйилдики, 1998 йил 10 сентябрдан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ун, қанд-шакар, ўсимлик ва мол ёғи, маргарин, қуруқ сут, болалар озиқ-овқати, чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, пишлоқ, колбаса маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан чакана ва майда улгуржи савдо қилиш фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилади.

Турғун савдо корхоналарига товарларни сақлаш ва сотиш учун зарур жиҳозларга эга бўлган, санитария талабларига жавоб берадиган алоҳида бино ва хоналарда жойлашган савдо ва умумий овқатланиш нуқталари, шунингдек махсус савдо павильонлари ва киоскалари киради.

Турғун савдо корхоналари икки турда: савдо зали ва савдо залисиз бўлиши мумкин.

Савдо зали ва керакли жиҳоз ҳамда ускуналарга эга бўлган турғун савдо корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли қарорининг 1-бандида кўрсатилган барча товар турлари сотилиши мумкин.

Савдо залига эга бўлмаган турғун савдо корхоналарида эса, юқорида кўрсатилган маҳсулотлардан чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати ва алкаголсиз ичимликлар сотилиши мумкин.

Айни вақтда турғун савдо корхоналари керакли ускуналар билан жиҳозланган бўлиши, савдо эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июлдаги 355-сонли ва 1997 йил 23 октябрдаги 485-сонли қарорлари билан тасдиқланган айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Шу билан бирга, 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмол моллари билан лотокларда савдо қилувчи хусусий ва юридик шахслар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, белгиланган тартибда савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар олиш орқали ўз фаолиятларини қонунлаштиришлари зарур.

Қарорнинг турғун савдо корхоналари орқали савдо қилишга оид талаблари қуйидагиларга қўлланилмайди:

**— Махсус изотермик идишлар, совитувчи аппаратлар (махсус холодильниклар, холодильник-пештахталар, совитувчи миксерлар ва шу кабилар) орқали алкаголсиз ичимликлар билан чакана савдо қилиш;**

**— бозорлар ҳудудида жойлашган ихтисослашган гўшт-сут павильонларидаги лотоклар орқали пишлоқ ва колбаса маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш;**

**— оби-нон ва ширинликлар: новвот, холва, парварда, пашмак, нишолдаларни лотоклар орқали санитария талабларига амал қилган ҳолда сотиш.**

**АКС САДО**

# ДЕҲҚОН ФАРОВОНЛИГИ – МАМЛАКАТ ОБОДЛИГИ

**дейишмоқда юртбошимиз ғамхўрлигидан мамнун жиззахлик фермер-деҳқонлар**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини Жиззах воҳаси меҳнаткашлари мамнуният билан кутиб олдилар. Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» ижара-ширкатлар бирлашмасида бўлган муҳокамада 44 нафар мустақил деҳқон хўжалиги раҳбарлари иштирок этди.***

**Уларнинг бири — Ўрозали Давронов бу қарорни «Деҳқоннинг фаровонлигини оширадиган, мамлакат ободончилигини таъминлайдиган ҳужжат» дея таърифлаб, бизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Икки минг гектардан зиёд пахта майдонимиз бор. Олти юз гектарига чигитни плёнка остига эккан эдик, чўл шароитида, барча экинни насослар ёрдамида суғоришга қарамай меҳнатни тўғри ташкил этиш, рағбатлантириш эвазига мўл ҳосил тўпладик.

Давлат буюртмасига кўра 5200 тонна «оқ олтин» топширишимиз керак. Яқинда мутахассислардан иборат нуфузли комиссия хулосасини берди. Ўртача 10-12 тадан тўқ кўсаги бор, чаноқлар қийғос очила бошлади. Плёнка остида ўстирилган майдонларда 45, оддий усулдагисида 29 центнердан ҳосил чиқиши аниқланди. Теримни сентябрнинг биринчи ўн кунлигида бошладик. «Зангори кемалар» мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ҳосилнинг учдан икки қисми шулар ёрдамида терилади.

Бултур пахтадан бир миллион сўм соф даромад олгандик. Бу йил уч ҳисса кўп бўлади.

Бизнинг шароитда ишчи кучи етишмайди. Қарорда Жиззахга водий вилоятларидан техника ва ҳашарчилар жалб қилинишини ўқиб хурсанд бўлдик. Деҳқон-фермерларимизни, айниқса, етиштирилган пахтамизга жаҳон бозоридаги харид нархларидан келиб чиқиб ҳақ тўланиши қизиқтиряпти. Қўлда терилган бир килограмм пахтага камида 5 сўм тўланиши, машина терими нархларининг ошгани деҳқоннинг косаси оқаради, чўнтаги пул кўради, деган гап. Ҳукуматимизнинг, юртбошимизнинг бу ғамхўрлигидан жуда миннатдормиз. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказамиз.

**Суҳбатдош:**
**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ҳ. НАБИРАЕВ.**

**«Халқ сўзи»га жавоб берадилар**

# РЕЖА АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Газетанинг шу йил 4 август сонида «Сурхондарёда ғўза гуллабди. Энди газета ўқимасак ҳам бўларкан» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда вилоятда газеталар билан савдо қилишдаги камчиликлар очиб ташланганди.

Газетанинг танқидий чиқиши бўйича кўрилган чоралар ҳақида жавоб мактуби олинди. Вилоят ҳокими ҳурматли Ж.Нормалиев имзо чеккан мазкур мактубда айтилишича, мақола вилоят «Матбуот уюшмаси», вилоят «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари ва бошқа тегишли мутасаддилар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳозирги кунда вилоятда жами 60 та газета сотиш дўконлари ишлаб турибди. Уларда вилоят матбуот нашрлари қатори республиканинг 11 номдаги газета ва журналлари ҳам сотилмоқда. Дўконларда газета ва журналлар сотиш миқдори йилдан-йилга кўпаймоқда. Жумладан, шу йилнинг ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан газеталар сотишдан олинган даромад қарийб 100 минг сўмга кўпайган.

Айрим республика газеталари қатори «Халқ сўзи» – «Народное слово» газеталари ҳам сотувга кам чиқарилаётганлиги таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, вилоят «Матбуот уюшмаси» ҳиссадорлик жамияти 1998 йил бўйича олинган газета ва журналлар учун республика «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамиятидан 480 минг сўм қарздор бўлиб қолган. Натижада вилоятга сотув учун республика газеталарининг келиши сезиларли камайган.

Республика «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти билан келишувга мувофиқ ҳозир «Халқ сўзи», «Народное слово», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока» газеталари вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги барча дўконларда сотилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги газета ва журналлар сотиш дўконлари ишини қайта ташкил қилишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва эндиликда ушбу режага асосан иш олиб борилмоқда.

Газета мухбирлари саволларига етарли даражада аниқ жавоб қайтармагани учун вилоят «Матбуот уюшмаси» ҳиссадорлик жамияти раҳбари вазифасини вақтинча бажариб турган Р.Қаюмов қаттиқ огоҳлантирилди.

МУНОСАБАТ

# МАФКУРА МАЙДОНИ ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

*Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига қайтарган жавоблари бугунги кунда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборида турибди. Бу жавобларни ўқиб, беихтиёр ўйланиб қоласан. Ўзингни қийнаган саволларга жавоб топгандай бўласан.*

*Ундаги ҳар бир фикр тўғрисида катта-катта изоҳли мақолалар ёзиш мумкин. Биз фақат битта фикр ҳақида тўхталмоқчимиз.*

**«... Баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади».**

Дарҳақиқат, мусиқа ҳам мафкурага хизмат қилади. Ёшларимиз орасида хориж мусиқасига «ихлос» қўйганлар топилади. Лекин буни ихлос деб бўлмайди. Чунки «ихлос» сўзи ижобий маъно ташийди.

Ихлос деб бўлмайди, дейишимизга сабаб шуки, кўпгина ёшлар мусиқа ёки қўшиқнинг мазмунини англаб етмаган ҳолда рақсга тушадилар, тинглайдилар.

Ёки рекламаларни олайлик. Улар шунчалик хилма-хил усуллар, хилма-хил йўллар билан республикамизга кириб келиб тарқалмоқдаки, унинг ортида мафкура ҳам яширинмаган деб бўлмайди. Масалан, тамаки маҳсулотлари рекламаси шаҳарларимизнинг энг катта кўча ва майдонларини, телевидение, газета саҳифаларини эгаллаб олди. Мактабда чекишнинг зарари ҳақида сабоқ олган бола уйига келиб телевизордан «Хон»ни сотиб олинг», деган даъватни тинглайди.

Учрашувлардан бирида бизга ўқитувчилар: «Телевизорнинг баъзи эшиттиришлари бизнинг ўн йиллик меҳнатимизни бир неча дақиқада йўққа чиқармоқда», деб таъна қилганида ҳақ эди.

Туркистонга бостириб келганларнинг бу ерда амалга оширган биринчи иши Фарғонада пиво заводи қуриш бўлган экан.

Президентимиз яқинда Самарқандда бўлган пайтида бу тўғрида шундай деди:

«Шўро даврида бу бебаҳо тарихий ёдгорликларни камситиш мақсадида уларнинг атрофига спирт заводига ўхшаган ҳар хил бинолар қуриб ташлашган. Биз ана шу хатони тузатиб Самарқанднинг ҳақиқий тарихий кўркини тикламоғимиз керак».

Энди кийим-кечаклар орқали киритилаётган мафкуравий мақсадларга тўхталайлик. Уларни учга бўлиш мумкин.

Биринчиси — давлатлар ёки турли фирмаларнинг рамзлари.

Иккинчиси — кўпчилик мутлақо тушунмайдиган ёзувлар.

Учинчиси — яланғоч, беҳаё суратлар.

Буларнинг уччаласи ҳам асосан ёшларга мўлжалланган кийим-кечак ва бошқа буюмларда учрайди. Мақсадни шундай тасаввур қилиш мумкин: «Ёшларнинг қалбини эгаллаш, уларни миллий, умуминсоний йўллардан чалғитиш».

Беҳаё суратлар-чи? Донишманд Шарқда ҳаёдан улуғ қадрият борми, деганда минг бора ҳақ эди. Хориждан кийим-кечак ва халтачалар орқали кириб, бозорларимизни тўлдирган бундай мафкуравий буюмлар ёшларимиздаги бу туйғуни ўлдирмаяптими?

Биз қачон бозорларимизни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдирамиз? Мафкуранинг бу усулларини қачон қўллаймиз? Биз бундай усулларни ўргангунча анавилар яна янги усулларни ўйлаб топиб, бизни доғда қолдиришмасмикин?

Шу жойда баъзи воқеалар ёдга тушади.

Америкада бир киши қўшнисини, у немис машинасини сотиб олгани учун ватанни севмасликда айблаган экан.

Демак, биз бугунги кунда чет элдан келтириладиган маҳсулотларга мафкуравий томондан ҳам эътибор беришимиз керак экан.

Ҳа, мафкура майдони бу фақат радио, телевидение, газета-журнал ёки йиғилиш, мажлислар, ҳар хил учрашувлардангина иборат эмас.

**Товбой ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Ғаллаорол туман Маънавият ва маърифат маркази раҳбари.**



*Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохона фаолияти мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ушбу даво масканида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, амбулатория-поликлиника хизматини ривожлантириш, уларда кундузги тиббий ёрдам шаклларини ташкил этиш сингари замонавий, самарали усуллар амалга жорий этилди.*

*СУРАТЛАРДА: асаб касалликлари бўлими бошлиғи, тажрибали врач Сулув Исмоилова бемор саломатлигини кўздан кечирмоқда; болалар қабул бўлимида (ўнгдан) шифокор Мунира Мираҳмедова ва ҳамширалар Шоҳида Ёқубова ва Дилором Аҳмедовалар жажжи чақалоқ соғлиғини текширишаяпти.*

**А. ПАРДАЕВ олган суратлар.**



# ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИРИГА БАҒИШЛАНДИ

Очиқ турдаги «Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги ҳамкорликда буюк қорақалпоқ шоири Бердах таваллудининг 170 йиллигига бағишланган почта маркасини муомалага чиқарди.




Бердахнинг жуда кўп лирик асарлари, достонларида қорақалпоқ халқининг XYIII ва XIX асрлардаги ҳаёти очиқ-ойдин кўрсатилган. Мавзунинг хилма-хиллиги ва кенглиги, халқона ифода этилганлиги — шоирнинг ижодини боқийликка муҳрлади. Унинг тарихий мавзуда ёзилган: «Айдосбий», «Амангелди», «Ерназарбий» поэмалари қорақалпоқ шеъриятининг гўзал намунасидир.

Нукус шаҳрида ўрнатилган ҳайкалда Бердахнинг чуқур хаёл оғушидаги қиёфаси акс этган. Ана шу ҳайкалнинг кўриниши маркада акс этган. Марка икки хил рангда тасвирланган. Расм яратувчилари: В. Телегин ва С. Шарипов. Марканинг баҳоси — 15 сўм. Почта маркаси билан бир қаторда почта карточкалари чиқарилган. Ундаги тасвир почта маркаларидаги тасвирдан олинган ва шу асосда хат жилдлари тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

Почта маркаси ва карточкалари Тошкентдаги «Давлат белгиси» босма фабрикасида ишлаб чиқарилган.

**Д. САИДОВА.**

# САНЪАТШУНОСЛАР МАСКАНИ

*Республикамиз санъатшунослиги соҳасида етакчи илмий муассаса ҳисобланган Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти 1928 йил Халқ маорифи нозири Абдурауф Фитрат ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ташкил этилган. Дастлаб унга «Ўзбекистон мусиқа ва хореография институти» деб ном берилган эди.*

Институтнинг дастлабки фаолияти йилларида унга Ота Жалол Носир, Ҳожи Абдулазил Расулов, домла Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов, Ҳожи Абдураҳмон Умаров, Аҳмаджон Умурзоқов, Матюсуф Харратов каби миллий мусиқамиз кўрки бўлган устоз-санъаткорларнинг таклиф этилиши бу даргоҳга алоҳида файз ва нуфуз бағишлаган эди. Устозлар институт аспирантларига мусиқадан таҳсил берганлар. Бу ишлар Абдурауф Фитрат ва институтнинг биринчи директори Николай Мироновларнинг саъй-ҳаракатлари ила амалга ошган эди.

Институтнинг фаолияти кейинги йилларда театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик ва бошқа санъат илмлари эвазига тобора кенгайиб борди. Айни вақтда Ўзбекистон мусиқа санъати ва илми билан боғлиқ айрим муҳим воқеалар рўй берди:

— Институтнинг илк битирувчилари сафида Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Шариф Рамазонов каби таниқли санъаткорлар етишиб чиққан.

Институт фоно хазинасида қарийб 100 йил давомида махсус валикларга ва магнит тасмаларга ёзиб олинган нодир ва ноёб халқ мусиқа ижодиёти намуналари сақланиб келинади. Бебаҳо маънавий бойлигимиз бўлган бу намуналар диёримизнинг барча вилоятлари ҳамда чегарадош республикаларнинг ўзбеклар яшайдиган аҳоли жойларига мунтазам уюштирилган мусиқий-фольклор экспедициялар жараёнида жамланган. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, институтнинг ўз фаолияти мобайнида Ўзбекистон санъатшунослик илмининг яна бир қатор турлари, хусусан, тасвирий ва амалий санъат, меъморшунослик, театршунослик, рақсшунослик, киношунослик, маданиятшунослик каби фан соҳалари узил-кесил қарор топди. Албатта, бу ўринда институт нуфузига нуфуз қўшган заҳматкаш фан фидойиларининг йирик тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. Бунда мусиқий мерос ва композиторлик ижодиёти, театр ва унинг назарий муаммолари, қадимшуносликнинг санъатга оид топилмалари, тасвирий санъатнинг анъанавий Шарқ ва замонавий ижод шакллари, амалий санъатнинг наққошлик, ўймакорлик ва бошқа ҳунармандчилик услублари, мумтоз рақс анъаналари, архитектура ва маданиятшунослик масалаларига доир муҳим мавзулар муҳокама қилинган эди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти фаолиятида янги уфқлар, қувончли ҳодисалар намоён бўла бошлади. Бу ҳолат энг аввало маънавиятимизга, кўп асрлик диний-маданий қадриятларимизга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади. Бу ҳол, масалан, мустақиллик йилларида институтда ўтказилган анжуман мавзуларида, хусусан, «Марказий Осиё ва жаҳон цивилизацияси», «Ўзбекистон санъати: қадимийлик, ўрта аср, замонавийлик», «Ражабийхонлик» , «Амир Темур ва темурийлар даври маданияти, санъати», «Алишер Навоий ва санъат», «Марказий Осиё санъати: тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги» каби турли миқёсдаги илмий-назарий конференция номларида ҳам акс этади. Табиийки, санъатшунослик фанларига янги мавзуларнинг кириб келиши ўлароқ шу мавзуларни тадқиқ этишга мос бўлган янгича илмий усуллар, ёндашувлар ҳам жадал шакллана бошлади. Муҳими — бу каби жараёнлар танланган мавзуларни янада теран илмий идрок этишга ва шу асмода янги илмий хулосалар чиқаришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, санъатшунослик бобида амалга оширилаётган ҳар бир жиддий илмий изланиш, ҳар бир илмий кашфиёт, нашр юзини кўрган ҳар бир тадқиқот маърифатли жамият сари қўйилган муҳим қадамдир.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти 1997 йилнинг март ойида Президентимиз Фармони билан янги ташкил этилган Ўзбекистон Бадиий академияси тасаррруфига ўтказилди.

**Оқилхон ИБРОҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори.**


АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

СЕРҚУЁШ ЮРТИМИЗНИНГ МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАРИ!

ЭНГ УНИВЕРСАЛ БАНК ҲИСОБЛАНМИШ ЎЗБЕКИСТОН АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

*сиз азизларга ўз хизматларини таклиф этишдан ғоят мамнунлигини изҳор этади ва аҳолидан миллий валюта "сўм"да ва бошқа чет эл валюталарида жамғармаларга маблағларни республикамизнинг барча вилоятларининг 47та бўлимида жойлашган 167та жамғарма кассаларида омонатларни чегараланмаган миқдорда қабул қилади.*

БАНК СИЗНИНГ САРМОЯЛАРИНГИЗ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ СИР САҚЛАШНИ ВА СИЗНИНГ БИРИНЧИ ТАЛАБИНГИЗ БИЛАН ҚАЙТАРИБ БЕРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАНК МАВЖУД БЎЛГАН 10 ТУРДАГИ ОМОНАТЛАРНИНГ СИЗ ИСТАГАН ТУРИГА САРМОЯЛАРИНГИЗНИ ЖАЛБ ҚИЛИБ, КЎПАЙТИРИБ БЕРИШГА ҚОДИР.

*ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗГА РИВОЖ, САРМОЯЛАРИНГИЗГА БАРАКОТ ТИЛАЙМИЗ.*

RD/975



АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1998 йил учун аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади:

**АСПИРАНТУРАГА:**

Акушерлик ва гинекология (1), Ички касалликлар (1), Эндокринология (1), Болалар юқумли касалликлари (1), Тери таносил. касалликлари (1), Асаб касалликлари (1), Патологик физиология (1), Стоматология (1), Хирургия (1), Юқумли касалликлар (1), Онкология (1), Пат. анотомия (1), Психиатрия (1), Урология (1), Наркология (1).

**ДОКТОРАНТУРАГА:**

Ички касалликлар (1), Юқумли касалликлар (1), Стоматология (1).

***Танловга қатнашиш учун институт аспирантура бўлимига қуйидаги ҳужжатларни топширишингиз лозим:***

- ректор номига ариза;
- кадрлар бўлими шахсий варағи;
- дипломдан кўчирма (аспирантурага);
- интернатурани тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома (аспирантурага);
- автобиография;
- илмий ишлар руйхати- ФОРМА 1.11 (докторантурага);
- тавсиянома;
- докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси (докторантурага);
- 3та фотосурат (аспирантурага);
- тиббий маълумотнома (аспирантурага).

**Ҳужжатлар 1998 йил 25 сентябргача қабул қилинади.**

Маълумот учун Бухоро тиббиёт институти аспирантура бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.



БИЗНИНГ МАНЗИЛ: Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 1 уй.
Телефон: (8-365) 223-00-50; 223-40-45.

LL@927


Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги жамоаси вазирликнинг бош мутахассиси Фазлиддин Бурхоновга отаси

**Самариддин БУРХОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎзФА илмий ўқув маркази жамоаси марказ фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Султонмурод Мажидовга ўғли

**Замон МАЖИДОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси ташқи алоқалар бош бошқармасининг масъул ходими Муродилла Мирзаевга акаси — Гулистон Давлат университети профессори, филология фанлари доктори

**Акрам КАТТАБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия медицина институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси институтнинг нафақадаги профессори, собиқ биофизика кафедраси мудири

**Пўлат ҲАКИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Л. СПИРИДОНОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Парламент — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0329, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Ғ. ЭШМУРОДОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ф. УСМОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 23.40*
1 2 3 4 5 6